





ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ЁНДАШУВ ТУРЛИЧА

Жорий йил 19 март куни давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ёш авлоднинг маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиши, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича белгилаб берилган муҳим вазифалардан келиб чиқиб, сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди.

БОЛА ТАРБИЯСИ ВА ОИЛА МАСЪУЛИЯТИ



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент куйи палатасидаги фракцияси аъзолари асосий эътиборни ёшлар орасида санъат ва китобхонлик маданиятини юксалтириш масаласига қаратдилар.

— Ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини оширишда соҳа вакилларининг китобхонлик даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга, — дейди фракция аъзоси Урол Хайитов. — Урганишлар даврида кутубхона ходимлари билан суҳбатлашганимизда, уларнинг айримлари баъзи китоблар ҳақида умуман беҳабарлиги ёки муаллиф кўтариб чиққан гоёни укмаганлигига гувоҳ бўлганмиз. Бу борадаги муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш зарур. Қолаверса, ёшларда болалик чоғидан китобга меҳр уйғотиш, мустақил фикр, кенг дунёқараш-

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ташкил этилган давра суҳбатида хотин-қизлар учун муносиб ва барқарор иш ўринлари яратиш масаласига эътибор қаратилди.

Қизгин муҳокамада депутатларнинг жойларда аҳоли билан учрашувларида кўтарилган масалалар, бу бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумотлар берилди.

Ўз навбатида, хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорлик, хунармандчиликни ташкил этиш, меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ҳамда кўникмаларни эгаллашда кўмаклашиш масаласига ҳамма жойда ҳам бир хилда аҳамият берилмаётгани қайд этилди. Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу

жумладан, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарни тураржой билан таъминлашда бошланғич бадалларини қайтармаслик шарти билан бўла бериш борасидаги ишларни жамоатчилик ва депутатлик назоратига олиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур вазифаларни рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази билан самарали ҳамкорлик талаб этилади.

Мунозараларда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни

мустақамлашнинг самарали механизмларини яратишга тўқинлик қилаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Айниқса, эрта никоҳ, оилалардаги низоли ҳолатлар ва ажрашувларнинг олдини олиш бўйича чораларнинг самарадорлигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМ ЧЕТДА ТУРМАСЛИГИ КЕРАК

"Ёшларни жисмоний чиниқтириш ҳамда спорт соҳасидаги қобилиятини қўллаб-қувватлаш — асосий мақсадимиз" мавзусидаги давра суҳбати Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг парламент куйи палатасидаги фракцияси ташаббуси билан ўтказилди.

Қайд этилганидек, ушбу йўналишдаги вазифалар ижросида нафақат соҳага бевосита масъул бўлган вазирлик ва идоралар, балки жамоатчилик, айниқса, сиёсий партиялар четда туриши мумкин эмас.

Давра суҳбатида ёшлар ўртасида оммавий спортнинг ривожланишига замин яратадиган кичик спорт заллари ва майдонларини қуришга амалий ёрдам кўрсатиш, бунда тадбиркорларга кредитлар ажратилишини алоҳида эътиборга олиш ҳамда спортчиларни олий ўқув юрларида мақсадли ўқитишга оид тақлифлар билдирилди.

Шунингдек, депутатларнинг худуд-

ларда сайловчилар билан учрашувлари давомида ёшларнинг жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун етарлича шароитлар яратилмаган ҳолатлар кўп учраётганига тўхталиб ўтилди. Ушбу йўналишдаги вазифаларнинг сифатли бажарилишини назорат-таҳлил тадбирлари доирасида ўрганиш лозимлиги айтилди.

Депутатлар томонидан мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш борасидаги муаммолар ва уларнинг ечимини аниқлаш масалаларига эътибор қаратиш



истиқболдаги вазифалардан экани таъкидланди.

Зиёда АШУРОВА. Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Президентимизнинг БААга ташрифи ҳақида хорижий ОАВда юздан зиёд материаллар эълон қилинди

Таъкидланишича, шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён БААнинг биринчи Президенти ҳисобланиб, у 2004 йили ўзи қурдирган мазкур масжид ёнида дафн этилган.

Газетада Абу-Даби Амирилик валиаҳди Мухаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг "Твиттер" ижтимоий тармоғида ёзиб қолдирган хабарига ҳам эътибор қаратилган. Унда ёзилишича, Шавкат Мирзиёевнинг БААга ташрифи турли соҳаларда ҳамкорлик қилишда янги саҳифани очди.

Араб тилидаги етакчи нашр — "Al Bayan" газетасида ташриф доирасидаги тадбирлар таҳлилга бой мақолалар билан мунтазам ёритиб борилди. Улардан бирида "Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантириш чакр мазно-мазмунга эга. Президент Мирзиёевнинг БААга илк ташрифи ўзaro мамлакат ўртасида икки

эрат туризми йўналишида арабларнинг боришини кескин ошириши, шубҳасиз" дейилади мақолада.

БААдаги энг нуфузли, ярим асрлик тарихга эга "Al-Ittihad" газетаси ва унинг интернетдаги расмий сайтыда ташрифга доир ўндан зиёд материаллар эълон

қилинди. Улар орасида савдо, иқтисодий ҳамкорлик бўйича чоп этилган таҳлилий мақола алоҳида эътиборга лойик.

"Жорий йил 12 март куни Тошкентда бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — БАА ҳукуматларо комиссиясининг учинчи йиғилиши натижалари ижобий баҳоланди. Ҳукуматларо комиссияси олдига яқин йилларда ўзаро савдо айланмаси ҳажмининг 1 миллиард долларга етказиш, бунинг учун товар етказиб беришни кўпайтириш, хом ашёни қайта ишлаш ва қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Икки мамлакат ўртасида туризм соҳасида ҳам улкан салоҳият бор. Амириклар аҳолиси Ўзбекистоннинг бой маданий меросини, шунингдек, бу ерда етишиб чиққан ҳамда ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюқ алломалар мақбараларини зиёрат қилишдан манфаатдор. Маълумотларга кўра, 2018 йилда БААдан Ўзбекистонга борган саяҳатчилар сони 1,5 баробар ўсган" дейилади "Al-Ittihad" газетасида.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.



ишон ва ҳурмат руҳидаги ҳамкорликни ривожлантиришга асос бўлади" дейилади. Газета муҳбири Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ташаббусларни алоҳида эътибор этиб, бунда сайёҳларга виза олишда қулайликлар яратилаётганига тўхтади. "Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқинда имзоланган тегишли ҳужжатига мувофиқ, Бирлашган Араб Амириклари фуқаролари учун Ўзбекистонга боришга визасиз режим жорий қилинди. Бу мамлакатга зи-

Намунали таянч пунктлари эътирофга сазовор бўлди

Биргина ўтган йили маҳалаларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликда йўлга қўйилган профилактика тадбирлари туфайли 2301 маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Албатта, бундай кўрсаткичга эришишда профилактика инспекторларининг ҳиссаси катта.

Ушбу тизим вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, уларни уй-жой ва хизмат автомашиналари билан таъминлаш, билим ҳамда касб тайёргарлигини, малакасини ошириш доимий эътиборда бўлиб келяпти. Танловни ташкил этишдан қўзланган мақсад ҳам шунга қаратилган.

Дастлаб танловнинг "Ички ишлар органлари бошлиқларининг энг фаол ёшлар масалалари бўйича ўринбосари", "Энг фаол профилактика инспектори", "Энг фидойий сектор раҳбари", "Энг фидойий маҳалла раиси", "Энг фаол маҳалла посбони" каби ўнга яқин номинациялар бўйича голиблар эълон қилиниб, махсус диплом ва эсдалик совғалар тақдим этилди.

— Бугунги эътирофдан беҳад миннатдорман, — дейди "Энг фаол профилактика инспектори" номинацияси голиби, Кармана туманидаги Х. Хирсов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи 56-таянч пункти профилактика инспектори, лейтенанти Бобомурод Тешаев. — Биз маҳалламизда юртимиз тинчлиги йўлидаги ишларни кенгайтиришга ҳаракат



қиялпмиз. Хусусан, ўтган йили 2017 йилдаги қараганда жиноятлар сонино 30 фоиз камайишига эришдик. Жорий йил шу пайтгача ҳуқуқбузарликлар қайд этилмади. Бу борадаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттирамиз.

Шундан сўнг, танловнинг асосий, яъни тўртта худуд бўйича 1-ўрин голиблари саҳнага тақлиф қилиниб, ҳар бирига 1-даражали диплом ва "Nexia-3" русумли автомашина қалитлари тантанали равишда топширилди.

— Бизга билдирилган ишончини халқимизга фидойиларча хизмат қилиб оқлайман, — дейди танловнинг биринчи ўрин соҳиби, Бухоро вилояти ҳокими Когон туманидаги Тараққиёт маҳалласига хизмат кўрсатувчи 65-та-

янч пункти профилактика инспектори, капитан Суҳроб Қобилов. — Маҳалламизни ўтган йили жиноятдан холи худудга айлантирдик. Бу йил ҳам шунга ҳаракат қиялпмиз. Маҳалламиз фуқаролари учун телеграмда "Менинг маҳаллам" каналини ишга туширдик. У ерда ислохотлар билан бирга, фойдали ҳуқуқий маслаҳатлар, жиноятчиликнинг салбий оқибатлари тўғрисида таърибот ишларини олиб боряемиз.

Тақдим қилинган кўргазма ва Ватанин мадҳ этувчи куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача шукӯҳ бағишлади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»). Динара ЧИРКОВА олган сурат.

АГРАР СОҲА РИВОЖИДА ИННОВАЦИЯЛАР МУҲИМ

Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг мақсади аниқ. Ердан унумли фойдаланиш, маҳсулот етиштириш самарадорлигини юксалтириш ва энг аввало, экспортни яхшилаш. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан ташкил этилган "Қишлоқ ҳўжалиги тараққиёти: қонунчилик, технологиялар ва инновациялар" мавзусидаги семинар доирасида ҳам муҳокама қилинди.

Парламент ҳаёти

Айниқса, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш масалалари мамлакатимиз тараққиётида долзарб ҳисобланади. Чунки ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш орқали давлатимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг асосий вазифаларидан бири бўлган озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳал қилина-

ди. Шу жihatдан қараганда, қишлоқ ҳўжалигини барқарор раванқ топтириш учун инновацион фаолиятни кенгайтириш муҳим. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, аграр соҳада самарали инновацион жараёнларни таъминлашда давлатнинг иштироки ва инновацион фаолият жадаллашувини қўллаб-

қувватлаш долзарб аҳамият касб этади. — Аграр соҳанин пахтачилик тармоғига алоҳида ургу берилаётгани ҳам беҳиз эмас, аслида, — дейди Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев. — Саноат ҳам ашёсининг ялли ҳажмини кескин камайтирмадан, унинг сифатини яхшилаш, катта қисмини мамлакатимизда қайта ишлаш Ўзбекистонинг истиқболдаги вазифаси саналади. Пахтачилик ва у билан боғлиқ тармоқларни жадал ривожлантириш мавжуд меҳнат, ер, сув ва бошқа моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Республика иқтисодиётининг барқарор ўсишига реал шароит яратади. Хусусан, бугунги кунда мазкур йўна-

лишни тараққий топтириш борасида ресурслар тежайдиган илгор тажриба ва инновацион технологиялар, шу жумладан, сув тежайдиган технологиялардан оддий усулда қатор оралатиб, эгилувчан қувурларда ва томиличиб суғориш усули қўланиб келиняпти. Аммо амалдаги кўрсаткичлар ҳали етарли эмас. Бу борадаги янги ишланмаларни янада кўпайтириш, қўллаб-қувватлаш учун ўзаро ҳамкорлик талаб этилади. Тадбирда қатнашган Инновацион ривожланиш, Қишлоқ ҳўжалиги ва зирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Тошкент давлат аграр университети ва бошқа ташкилотлар вакиллари бу борада ўз муносабатларини билдирди.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР ТАФСИЛОТЛАР

«Оролга мадад»

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани ҳамда Хоразм вилоятида "Оролга мадад" шиори остида хайрия ҳашари ўтказилди. Ўзбекистон Экологик партияси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда АҚШдаги Колумбия университетининг "The World Aral Region Charity INC" кўнгиллилар ташкилоти вакиллари ҳам қатнашди.

— Богот, Шовот ва Янгиариқ туманларидаги учта умумтаълим мактаби худудига ичимлик сувини тозаловчи ускуналарни беғараз ёрдам сифатида ўрнатиб бердик, — дейди ташкилот волонтери Роберт Виллард. — Бундан кейин ҳам Оролбўйи минтақасида инсон саломатлигини асрашга йўналтирилган лойиҳаларда фаол иштирок этамиз. Мўйноқ тумани худудига "Дўстлик" экобоғи барпо қилинди. Беш минг туپдан зиёд дархат кўчатлари ўтказилди. Шунингдек, "Амударё" сув ҳўжалиги иншоотларига экскурсия уюштирилди.

Одилбек ОДАМБОЕВ («Халқ сўзи»).

Вилоят ҳокими аҳоли билан мулоқот ўтказмоқда

Китоб тумани марказий истироҳат боғида Қашқадарё вилояти ҳокимининг сайёр қабул шакилидаги халқ билан мулоқоти ўтказилди.

Унда тумандаги икки мингга яқин кишиларнинг мурожаатлари диққат билан тингланиб, уларни ҳал этиш чоралари кўрилди. Аксарият муаммолар эса шу ерда ечимини топмоқда. Вилоят ҳокимининг аҳоли билан мулоқоти худуднинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ташкил этилади.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ («Халқ сўзи»).

Қадимий сув минораси кўнгилочар масканга айлантирилди

Бухоро шаҳрида 1929 йилда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида барпо этилган минорани "Authentic travel" МЧЖ тендерда ютиб олиб, сайёҳлар учун кўнгилочар масканга айлантирди.

— Лойиҳани рўёбга чиқаришда франциялик тадбиркор Сатерин ва Тунис Утержикнинг 200 минг евро микдоридagi сармояси кўл келди, — дейди номи "ўзига хос сайёҳат" маъносини англатувчи қорхона менежери Суҳроб Муродов. — Бу ерда ресторан, музей, кўнгилочар маскан, қаҳвахона, туристик ахборот бюроси ва бошқа сервис соҳобчалари ташкил этилди. Хориждан келтириб

Хўжабодда ҳайвонот боғи

Хўжабод туманида умумий майдони 5 гектардан иборат ҳайвонот боғи фойдаланишга топширилди. 5 та фаввора, 2 та сув ҳавзаси, аквариум ва бошқа қурилмалар боққа кўрк бағишлаб турибди. Биргина аквариумда баллиқнинг 30 дан ортиқ турлари бор.

— Янгидан барпо этилган ҳайвонот боғи менга жуда ёқди, — дейди Андижон шаҳридаги Болалар уйи тарбияланувчиси Хатита Бурақова. — Бунда нафақат хонаки жониворлар, балки ёввойи ҳайвонлар, қушлар ёшларни табиатга яқинлаштиришга хизмат қилади.

Ҳайвонот дунёсининг 250 турини ўзида мўжассамлаган ушбу маскан "Хон" МЧЖ қурувчилари томонидан 12 миллиард сўм эвазига қад ростлади.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).





